

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

КўНГИЛЛАРГА САОДАТ УЛАШГУВЧИ ЛАҲЗАЛАР



М. Ҳолбердиева туширган сурат

Наврузнинг саодатли онлари ҳали кўнгилларимизни тарқ этгани йўқ. Юртимизда бу улуг айём шодиёналари давом этмоқда. Шундай кунларда эл-улус ва маҳалла-қўйнинг қанчалик олижаноблиги ҳамда ҳамжиҳатлиги билинади. Навруз байрамини биргалашиб, уюшқоқлик билан ўтказишга нима етсин. Айниқса сумалак қайнаётган қозон ёнида тонггача чақ-чақлашининг ўзига яраша гашти бор.

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласида ҳам Навруз шодиёнаси муносабати билан ўтказилган тadbир узгача улугворлик ва қўрқамлик касб этди. Шу кун қўшалоқ шодиёна бўлди. Маҳмуда ая Рихсиеванинг саксон йиллик юбилеи тўйи бай-

рам тантаналарига улашиб кетди ва унга янада кўтаринки руҳ бахш этди.

Маҳмуда ая — маҳалланинг эъзозли онахони. Шунингдек кўпчиликка устоз ҳам. Касби ўқитувчилик, 40 йилдан зиёд пойтахтдаги Шотурсун Гуломов номли 114-урта мактабда муаллималик қилди. Тайёрлаган шогирдларининг барчаси мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиб кетган. Ҳозир эл-юрт хизматини қилиб юришибди.

Маҳалла аҳли ва шогирдлари қатори биз ҳам Маҳмуда аянинг саксон ёши билан муборакбод қилган ҳолда:

— Армонларингиз борми? — дея сурадик.

— Шунча йил ҳалол меҳнат қил-

дим. Ёш авлодимизни ўқитиб таълим бердим. Ҳатто, собиқ ўқувчиларимнинг набираларини ҳам ўқитдим. Шўкрона айтаман — бу кунларга етганим учун. Энг қувонарлиси шундаки, ўқувчиларим ҳеч қачон мактабни, мени унуттишмайди. Хонадоним ҳамisha улар билан гавжум. Ройишли маҳалладошларим омон бўлишсин, ишқилиб. Армоним шуки, кексайиб қолдим-да. Қани энди ёш бўлсам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида бор кучимни яна меҳнатга бахшида этсам дейман.

Шу кун аянинг кўп йиллик меҳнатлари эъзозланиб, унга Чилонзор тумани ҳокимлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Мевазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг қимматбахо совгалари топширилди.

Ўқитувчилик машаққатли ва шарафли касб. Ҳар биримиз мустақил ҳаётга йўланмани мактабдан олганмиз. Харф урганиб, билимнинг дастлабки босқичларидан, синовларидан ўтганмиз. Бунда албатта ўқитувчимиз: илк устозимизнинг меҳнатлари катта. Уни бир умр миннатдор бўлиб эслаймиз. Ҳар бир мўъжизаси бир китоб бўлган дунёнинг сузларини ўқишни улардан урганганмиз.

Ҳаёт бустонидаги гулу лолалар — фарзандларимизга билим берувчи устозларимиз ҳамisha омон бўлишсин.

ШАВКАТЛИ

ЎЗБЕКИСТОН

XXI

Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва маъқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак, асло муболоға бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур тадбирларини оғиш-

май, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини энгиллаштириш, айниқса уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб қуриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор.

Аёллар уртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини

кўтариш керак. Шунинг учун маънавий, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгариллаб кетгани шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди.

Президент Ислоом КАРИМОВнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан

АЁЛЛАР ЙИЛИДА ФАОЛИЯТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Аёлларнинг ижтимоий иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалаш юзасидан қасаба уюшмалари ташкилотлари ва хотин-қизлар кўмиталарининг ҳамкорликдаги ишлари ҳамда Президент Ислоом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика хотин-қизлар кўмитасининг қўша мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бosh вазираининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси — Д. Фуломова ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д. Жаҳонгирова «Аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалаш юзасидан қасаба уюшмалари ташкилотлари ва хотин-қизлар кўмиталарининг ҳамкорликдаги ишлари ҳамда Президент Ислоом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»-ги маърузалари тинланди. Қўша мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг маърузасида тақдир этилган ислохотларни чуқурлаштириш, жамият сивий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмушини янада эркинлаштириш, Ўзбекистоннинг XXI аср бусағаси ва янги аср бошлари ривожланиш истиқболлари Дастури ва устивор йўналишларини бажариш йўлида хотин-қизлар кўмиталари ва қасаба уюшмаларининг вазифалари муҳофизат этилди.

Ислохотларнинг ҳар бир босқичининг негизини кучли ижтимоий ҳимоя ташкил этиши қасаба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмитаси фаолларини руҳлантириб, зиммасига катта масъулият юклайди. Мазкур йўналиш ҳалқнинг айниқса аёлларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши ҳамда Давлат дастурини қабул қилиниши хотин-қизларга нисбатан гамхўрликнинг яна бир даражасида ифодасидир, деб қайд этилди. Қасаба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмиталари фаолиятида аёлларни ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оналар ва болаларни соғломлаштириш, дам олишни ташкил этиш, уларга юксак ахлоқийлик, инсон қадр-қиммати туйғусини, турмуш тарзини қарор топтириш, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб этиш юзасидан келажақдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қўша мажлисда Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев нутқ сузлади.

Мажлис ишида Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова иштирок этди.

Д. САМАДОВА

БАТАН РАВНАҚИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК

Умрингдан қониқиш ҳосил қилиб яшаш кишига чексиз руҳ, қанот бағишларкан. Мен узимни бу жиҳатдан бахтиёр инсон деб ҳис қиламан. Оилам тинч-товуш, фарзандларим қариндош-уруғларим қушовида тириклик завқидан шодумон ҳаёт кечираман. Авлик — оналик саодати ҳаётида фаол иштирок этиши, узининг мустақам ўрни бўлиши керак, деган фикрданман. Турмуш урғоғи билан ҳеч бир фойда бермай қўйган фермани қабул қилиб олдик. Унда атиги 80 тагина қора мол қолган экан. Гайрат билан ишга киришдик. Меҳнатдан, машаққатдан қурқмадик. Узим ҳам мол боқувчи, ҳам зоотехник, ҳам сут соғувчиликни бажаравердим. Бугунги кунда фермер хужалғида қорамоллар 200 тани ташкил қил-

ди. Бажарилган ишлар билан кифояланиб қолмадик. Хужалғида қўшимча тармоқлар очдик — сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил қилдик, мойкузов очдик, аини дамда ана тикувчилик цехини ҳам очиб ишляпмиз. «Йитилганга толе ёр» деганлари шу бўлса керак-да.

Мамлакат Олий мажлисининг XIV сессиясида қабул қилинган «Хотин қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»-ги қонун, матбуотда эълон қилинган «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Президентимизнинг Фармони ва ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлайдиган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ тўғрисида»-ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам Аёллар йили-

да аёлларимизга курсатилётган гамхўрлик деб биламан. Бу имтиёзлар аёлларимизнинг оиладаги, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Биз аёллар фарзандларимизни комил исон қилиб тарбиялашни, юртимизда тинчлик-товуш, ҳамжihatликни барқарор этишга ҳисса қўшишни, меҳнат қилиб, Батан равнақини юксалтиришни муқаддас вазифамиз деб биламиз.

**С. ЭШМУРОВА,
Сурхондарё вилояти, Узун туманидаги фермер хўжалиги раҳбари.
Республика «Ташаббус-98» кўриктанловининг ғолиби**

БОЛАЛИК — ЭНГ ГЎЗАЛ ФАСЛ

Бугун сессияда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги Қонун муҳокама этилади ва биз уни яна бир бор танқидий кўз билан баҳолашимиз зарур. Муҳими шундаки, қонун асосида ташкил этилаётган нодавлат ва жамоат ташкилотлари фақат хайрия ва мурувват муассасаларига айлиниб қолмасин. Турги, бу хайрли ишлар ҳам жамоат ташкилотлари фаолияти-

нинг бир жиҳати, лекин асосий томони эмас. Уларнинг бош вазифаси — энг аввало, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сий-

сий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Президент Ислоом КАРИМОВнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан

Биз жамоатчилик аҳли, ота-оналар болаларимизнинг еруғлик-яхшилик қушудан баҳра олиб усишини жуда-жуда истаймиз. Лекин истак-хоҳишнинг ўзи билангина мақсад ижобат топмайди. Инсон тарбияси-инсон баркамоллиги йўли мураккаб, машаққатли жараёндир. Тарбиячи ҳар бир лаҳза, ҳар соат, ҳар кун бу йўлда ҳормай-толмай изланиши, меҳнат қилиши керак. Мамлакатнинг тараққиёти таълим-тарбияни нечоғли тўғри амалга ошираётганимизга бевосита алоқ.

Ўзбекистон Болалар жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган пленуми йиғилишида ўтган 1998 йилда қилинган ишларга яқун ясалиб, келажақдаги режалар муҳокама этилди. **Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси Инкилоб ЮСЎПОВА** жумладан қуйидагиларни қайд этиб ўтди:

— Жамғармаимизнинг мақсади юрдошларимиз қалбига эзгулик, соҳават уруғларини қадаш, ҳаётимизнинг гўзал бўлиши йўлида изланиш-интилишдир. Фаолларимиз эл-юртда обрў эйтиборли, ҳаёт ва меҳнат тақрибасига эга кишилардан таркиб топган. Биз юрдошларимиз қаторида 16 февралда пойтахтимизда ўтказилган машъум воқеалардан каттиқ дарғазаб бўлдик. Шу муносабат билан зиммаимиздаги ишлар нечоғлик масъулиятли эканлигини, бу йўлда ҳормаслигини ҳис, ҳушёр бўлмоғимиз зарурлигини ҳис қилдик. Харакатда баракат деганларидек, шу услубимизни ҳамиша тақомиллаштириб келмоқдамиз. Жамоат ташкилотлари билан биргаликда кам даромадли, ҳимояга муҳтож, кўп болалик оилаларни аниқлаб, уларга имконимиз даражасида ёрдам курсатаямиз.

Халқимизнинг ўзбек деган номидан ҳам маълум — узига бек халқ. Ғурури, орияти, ҳаёси кучлилик билан болалардан ажралаб туради. Хайрия ишларини бировнинг нафсониятига тегмасдан, ниҳоятда нозиклик, эҳтиётлик билан амалга ошириш талаб этилади. Мақсадимиз — ҳар бир бола тўлақонли шарт-шароит, гамхўрлик билан қўршаб олинсин. «Менинг уйим — менинг қирогим» деб номланган махсус дастурини қабул қилган-

миз. Бу дастур нафақат хайрия курсати билангина чекланади, балки болаларга ҳақ-ҳуқуқини англашга ҳам ёрдам беради. Болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадини кузлагани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу борада Наманган вилоятида (жамғарма раиси Наталия Рязанцева) куп ишлар қилинди.

Тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйлари, болалар қасалханалари, махсус мактаблар фаолияти, уларда яратилган шарт-шароитлар ҳолатини ҳам диққат-эътиборимизга тутиб келаямиз.

Биз Арманистондаги Нор Мараш номи болалар Кардиология Маркази билан яхши алоқа боғлаганмиз. Юрак хасталигини жарроҳлик йўли билан даволаш бутун дунёда катта маблаган талаб қиладиган тадбирдир. Бу марказ эса ҳар йили

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАЁТИДАН

бизнинг республикамиздан иккита энг оғир касал болани бегул даволаш мажбуриятини олган. Умуман бу марказда болаларни ҳаёндаги бошқа марказлардан қура арзон нарҳда даволаш белгиланганлиги билан аҳамиятлидир. Жамғармаимиз болалардаги ортопедик, онкологик, буйрак хасталикларини даволаш бўйича Германия шифокорлари билан ҳам худди шундай алоқа урнатилган.

Болалар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам бизнинг диққат марказимизда турибди. Биз ЮНЕСКО халқаро ташкилотига бу борадаги лойиҳамизни топширганмиз. Энг аввало ота-оналар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб олишлари, сунгра болаларига бу борада тарбия беришлари керак. Ҳақ-ҳуқуқларини англаб етган инсон узининг ҳаётдаги ўрнини яхши билади, мустақам туради.

Жамғармаимиз қошида Оила кенгаши муваффақиятли тарзда фаолият кўрсатяпти. Унинг фаоллари — элга таниқли кишилардир.

Пленумда қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Жамғарма Оила кенгаши раиси Хосият Ёқубжоновна шундай деди:

— Умр буйи давлат ва жамоат ишлариде меҳнат қилдим. Энди кексалик

гаштини сураяман. Аёл кишининг бекор юришга, меҳнат қилмасликка ҳаққи йўқ экан. 4 та неварамга қараямман — ош-овқатини тайёрлайман, мактабга кузатиб-кутиб оламан. Биргаликда дарс тайёрлаймиз. Хужайимин билан умр бўйи ишлаб топганимизга кўпроқ китоб йиққанмиз. Энди уйласам — жуда ақлини шил қилган эканмиз. 10-мингдан ортқ китобимиз бор. Мен ҳар бир ота-онага китоб-туплашни маслаҳат берган бўлардим. Мана узимдан мисол. Уйимиздаги китоблардан ўз вақтида болаларим баҳра олишган бўлса, энди невараларим уқиб-урганишяпти. Китобдан ортқ бойлик йўқ экан, аслида. Мени фақат ўзбек тилида ҳали ҳам китоблар кам эканлиги, шу туфайли ҳам болаларимиз вақтини кўпроқ телевизор олдига беҳуда сарфлаётгани ташвишлантиради.

Мактаблар кутубхоналари аҳволини урганиб, уларни зарур адабиётлар билан бойитиш керак. Яна бир фикр — ота-оналарнинг болалар тарбиясидаги масъулигини оширайлик, уларга бу фикрни тинимсиз уқтириб бораёйлик. Неवारам ўқийдиган синф ота-оналар мажлисида бир ота-она узлари келиши урнига уйдаги гувернантка-энагасини юборишганига гувоҳ бўлдим. Уша она билан учрашиб гаплашдим. «Вақтим йўқ», — деган сабабини руқач қилди у. Уш боласи таълим-тарбияси учун жон койитишини истамган ота-онани нима деб аташ мумкин?

Болалар ёзувчиси Эркин МАЛИКОВ:

— Мен ишлаётган «Шарқ» нашриёти концерни жуда чиройли, рангли болалар китобларини босмадан чиқараяпти. Уларнинг нархи ҳам унчалик қиммат эмас. Бола гудақликдан китобни қулга олса, китобдан баҳра олса бир умр китоб билан айрилмас дўст бўлиб қолади. Ота-оналаримиз китоб сотиб олишни узлари учун муқаддас бир бурч деб англашлари керак.

Пленумда қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М. ИБРАГИМОВА

АСРГА ИНТИЛМОҚДА

Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболли ёш авлодимиз қандай тарбия топшига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол

муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳақиқатда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ.
Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий ду-

нәси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашимиз зарур.
Президент Ислам КАРИМОВнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан

Йигирманчи юз йилликнинг интиҳосида яшяпмиз. Олдимизда янги аср юз очмоқда. Бу кун кўнглимиздан қай уйлар кечаётир? Шу азиз юртининг ҳар гивҳини меҳр ила суюб ардоқламоққа, ҳар қаричини «меники» демокликка узимизда куч-қудрат топа олаемизми? Тафаккуримиз уйғоқ, кўнгли тийракми? Узимизни англаб, ҳаётнинг жавҳари, мазмуни, моҳиятини тушуниб етдикми? Улкан жамиятга нималар тўхфа этмоқдамиз? «Ҳар бир инсон жамиятда уз ўрнини билиши, узини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор» дейдилар Президентимиз сессия минбаридан туриб. Шундай қилиш керакки, ҳар бир сўзимиз, ишимиз, ҳатти-ҳаракатимиз, фикру ўйимиз билан ҳам жамият ривожига хизмат қилайлик. Ушбу маърузада аёллар ва ёшлар ҳақида алоҳида сўз юритилди ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини юксалтириш ута муҳим масала деб курсатиб ўтилди. Бу кун юртимизнинг ҳар фуқароси, сессия ишига уз муносабатини билдирмоқда. Сўз — сўбатдошларимизга.

Шавкат САИДҒАНИЕВ, мекнат фахрийси (Тошкент шахридан): — Узоқ йиллик шифокорлик фаолиятимда болалар хасталиклари буйича кузатишлар ўтказдим. Ва шу нарса аён бўлдики, болалардаги туғма хасталиклар ўтказдим. Ва шу нарса аён бўлдики, болалардаги туғма хасталикларнинг аксарияти онанинг оиладаги шахсий кечинмалари, аҳвол-руҳия-

си билан боғлиқ экан! Ўзингиз ўйланг, янги инсонни дунёга келтириш арафасида турган аёлнинг руҳий олами безовта, кўнгли нотинч бўлса, бу ҳолат ундан туғилажак бола соғлигига салбий таъсир кўрсатадику, ахир! Худди шунингдек, орта-тирилган хасталикларнинг бош сабаби ҳам кўпинча оилавий нотинчликка бориб тақалади. Қаранг, отанаси мудом жанжаллашадиган бо-

доимо қайғуришимиз, курашимиз зарур» дедилар Президентимиз сессиядаги нутқларида ушбу сўзлар замиридаги теран ҳикматни ҳар биримиз уқиб олишимиз шарт.

Замира ИСРОИЛОВА, Дўстлик туманидаги иктидорли болалар лицейи ўқитувчиси (Жиззах вилоятдан): — Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Кўз унгимиздаги узга-



Муносабат

ҳаракат қиламиз. Муттасил излашни, янгиқа таълим-тарбия жараёнини чуқур ўрганиб, тадбиқ этиш фаолиятимиз мазмунини белгилайди. Ўқувчилар билими икки йилдириқ, рейтингда баҳоланади, улар компьютер техникасини узлаштиришади, инглиз тилида эркин сўзлашадилар. Лицейда тил байрамлари, маънавий кўриклари тез-тез уюштирилади. Яқинда «Инсонга ҳуқуқ нима учун керак» мавзусида баҳс ўтказдик. Ўқувчиларимизнинг жавобларини тинглаб, уларнинг бу соҳада пухта билим олганликларини сезиб қувондик.

Президентимиз сессиядаги нутқларида «Биз мамлакатимизнинг истиқболли ёш авлодимиз қандай тарбия топшига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳақиқатда тутишимиз керак» дедилар. Шу нутқдан англадимки, айниқса биз педагоглар янги давр ёшларини тарбиялаш ишига ўта масъулият билан ёндашимиз зарур бўларкан.

Гулҳебра ЖАМИЛОВА
сўбатлашди

КЎНГИЛ КЎЗИ ТИЙРАКМИ?

ла асабий, бунинг устига одамови ва журъатсиз бўлиб вояга етади. Бордию, оила эгалари уквсизроқ бўлишса-чи? Бундай хонадонга бола рузгордаги моддий етишмовчилик жабрини тортади, яъни у жисмонан заиф усади. Оила даврасидаги сўхбатлар фақат иқир-чирдан иборат бўлса, бу хонадондаги ўсмирнинг ҳам тафаккури чархланмасдан қолади.

У ўзини, ҳаётини мушоҳада этолмайди.

Кузатишларимдан сўнг шундай хулосага келдимки, фарзандларини ҳар томонлама етук қилиб тарбияламоқчи бўлган ота-она аввало ўз оиласида соғлом маънавий муҳит яратсин. «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун

ришларни гоҳ сезиб, гоҳ сезмай яшаймиз. Қарабсизки, кечаги боғча боласи бугун навқирон угил-қизларга айланбди. Буйи буйимизга, уйи уйимизга тенглашибди. Биз болаларимизнинг кўнгли дунёсида нималарни кўряпмиз? Пишиқ-пухта сўзларни тинглаб қувонаямизми ёки дарахнинг меваси тахир чиқиб қолган боғбон каби афсус чекаётимизми? Менимча, ҳар бир ота-она бу ҳақда боласи туғилган илк лаҳзаларданок уйлаши зарур. Мен ҳам онаман. Фарзандларимнинг келажаги порлоқ бўлишини орзулайман...

Лицей эса иккинчи уйим. Бу даргоҳда таҳсил олаётган юз нафар уквучининг ҳар бири янги ҳаёт остонасидаги ёшлардир. Биз улар билан мулоқот чоғида кўнглиларига яқин, самимий ва сергак бўлишга


ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС

Газетанинг шу йил 14-сонида босилган «Кучада қолган оила» мақоласида Бухоролик Мунаввар Сафаровнинг уй-жой хусусидаги арзи-ҳоли баён этилган эди. Ушбу мақола юзасидан таҳририятимизга Бухоро шаҳар ҳоқими К. Камоловдан жавоб хати келди.

«Ҳақиқатан ҳам Мунаввар Сафарова 1998 йил сентябрда шаҳар ҳокимлигига уй, шу йил 21 январда эса вилоят ҳокимлигига ётоқхона сураб мурожаат этган. Иккала ариза ҳам ўрганиб чиқилган ва эгасига жавоб берилган, — дейилади унда.

— М. Сафарова Бухоро шаҳар, 10-уй, 41-хонадонда оиласи билан яшаб келган. У савдо-сотик билан шугулланиш мақсадида пул қарз олган. Аммо ишни юритолмай бозори касодга учрагандан кейин уйини сотишга мажбур бўлган. Шундан бўён қариндош-уруғлари ва онасиникида яшаб келмоқда. Мақолада келтирилган

важларни ўрганиш жараёнида яна шу нарса маълум бўлдики, М. Сафарова ва эри, уч боласи ҳеч қаерда ишламайди. Аризачига вақтинчалик онасининг уйида рўйхатда туриш, кейинчалик эса уй-жой учун ер ажратиши, оила аъзоларини ишга жойлаштириш, маҳалла фуқаролар йиғинидан мод-



Бизга жавоб берадилар

дий ёрдам курсатиш тушунтирилди. Орадан бир неча вақт ўтгач М. Сафарова онасининг уйига рўйхатга қўйилмаслигини билдирди. Шунингдек унга «Бухороқурилиш» хиссадорлик жамияти ҳамда Бухоро «Газсаноат-курулиш» корхонасига қарашли ётоқхоналардан бирига вақтинча рўйхатда туриши, сўнгра яқка тартибда уй-жой қуриш навбатида туриши учун ҳужжатларни тайёрлаши тавсия этилди. Аммо у бу тақлиф ҳам кўн-

мади.
«Бухоротеқ» хиссадорлик жамияти ўзига тегишли ётоқхонанинг бир қисмини ўз ишчи-хизматчиларига сотаётганлигини ҳисобга олиб, шу уйлardan бир ёки икки хонасини сотиб олиш тақлифи ҳам М. Сафаровага маъқул бўлмади.

Бухоро шаҳар ҳокимлиги М. Сафаровани турар жой билан таъминлаш масаласида барча имкониятларни ишга солди. Лекин аризачининг ўз муаммосини ҳал қилишга хоҳиши йўқлиги сабабли натижасиз қолди».

Жавоб хатидан қуриб турибдики, аризачи М. Сафарова уй-жойсиз қолганига энг аввало ўзи сабабчи бўлган. Лекин аёни шуки, инсон юқори идора ёки ташкилотга шикоят ёзишдан олдин уйлаши, фикр-мулоҳаза юритиши керак. Етти ўлчаб бир кесган маъқул.

Кейин адолат талаб қилса ярашади.
К. МИРЗО

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТЛАРИ

«Оила ва жамият» газетасининг 13-сонида чоп этилган «Бедарак йўқолган газета» сарлавҳали мақола «Самарқанд почтаси» хиссадорлик жамияти, Пойариқ туман 36-сонли умумтаълим мактаби раҳбарияти ҳамда 7-синф уквучилари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ушбу мақолани ўрганиш жараёнида маданият ва маърифат ишлари буйича директор уринбосари Р. Жамоловнинг айби билан уквучилар жорий йилнинг биринчи олти ойи учун «Гулхан» ойнамасига, иккинчи олти ойи учун «Тонг юлдузи» газетасига обуна қилинганлиги аниқланди. Бунда уквучиларнинг фикри ўрганиб чиқилмагани маълум бўлди.

Айни пайтда уквучиларга «Гулхан» ойнамаси туман почта ходимлари томонидан тўлиқ етказиб берилмоқда. «Оила ва жамият» газетасига эса 1999 йил учун умуман обуна қилинмаган. Мақола муаллифларининг ҳар биридан тушунтириш хатлари олинди. Ўқитувчиларнинг лоқайдлиги туфайли ана шундай ноҳуш ҳолат вужудга келган. Бунда алоқа ходимларининг ҳеч қанақа айби йўқ.

А. ҒАФФОРОВ,
«Самарқанд почтаси» хиссадорлик жамияти директори

ГАРОВ ҲАМ ҲАММАНГА УЙЛАНГАН ЭКАН...

1992 йили ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллаб медицина олийгоҳига ҳужжатларимни топширдим. Лекин имтиҳонлардан ўтолмадим. Бу орада бўлажак турмуш ўртоғим билан танишдим, уни учна яхши билмасдим. Уйимизга ҳар тарафдан совчилар ёғилиб кела бошлади. Бу йигитдан ҳам кетма-кет совчилар келишди. Уйдагилар «ўзи кимни хоҳласа, шунга берамиз», дейишди. Мен уйлаб кўриб бўлажак турмуш ўртоғимга розилик бердим. Бир оз вақт ўтгач бизни унаштириб қуйишди. Учрашиб, гаплашиб юрардик. Биздан бахтли инсон йўқдек эди.

Кунлар ўтиб бир куни «Бирга бирор жойда ўтирайлик», — деди. Кейин бирга ўтирдик. Унинг кайфи бор эди. Кеч тушиб қолгач, «Мен уйга кетишим керак», — дедим. У бўлса: «Унаштирилганимиз, энди сен меники ҳисобланасан», — деди. Ва мени зўрлаб номусимга теғди. Кейин у менга: «Энди сени ит ҳам олмайди, энди менинг айтганимдан чиқмайсан», — деди. Шу кундан бошлаб менинг ҳаётимда азобли кунлар бошланди. У билан учрашувга чиқишдан жуда қўрқардим. Чунки учрашувга чиқишганимизда у нуқул маст ҳолда бўларди. Дустларим олдида мактабимни хуш кўрарди. Уриб, сўкиб, нуқул ҳақоратларди. Дустларим унга: «Куй, нимага унақа қиласан», — дейишса, «Ишларинг бўлмасин», — дерди. Бир куни ҳомилдор эканлигимни билиб қолдим. Бир томондан қувондим, бир томондан хафа бўлдим. Чунки бизнинг ҳали тўйимиз бўлмаган эди. Шошганча унинг олдига югуриб бордим. Унга бу янгиликни айтиб пўшаймон бўлдим. Чунки у хоҳламас эди, болани ҳақоратлашдан нарига ўтмади. «Олдириб ташла», — деди. Кейин бола бўлмаслигини айтдим. Лекин унга барибир эди. Мен унга тўйни эртароқ ўтказишни айтдим, у бўлса, «Менинг кўриб етмайди», — деди. Менинг хол-аҳволимдан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Мен унинг феъл-атворини жуда яхши билардим. Бироқ ота-онамнинг, ака-укаларимни-

нинг, қариндош-уруғларимизнинг узига яраша обрўси бор, уларнинг юзини ерга қаратгим келмасди. Онамга унинг шароитини тушунтирдим. Шунда ҳам муносабатимиз чуқурлашиб кетганини билдирмадим. Она ҳеч кимга сездирмасдан уйдан тайёр тикилган курпаклар, бир неча кийимликлар, хуллас, «тўққиз» тайёрлаб, 2 бухча қилиб кечкурун бериб юборди. «Шуларни «тўққиз» қилиб олиб келиб берасизлар», — деб анча пул ҳам бериб юборди. Бундан фақат мен, онам ва у хабардор эди. Икки кундан кейин уйимиздан юборилган нарсаларни «тўққиз» қилиб олиб келишди. Дуст-душман деган гап бор, онам шуларни уйлаган. У бўлса шунда ҳам дўқ-пўпсаларини тугатмас, мен унинг бир оғиз ширин сузига зор эдим. Учрашувга чақирарди-ю, «Унгача санайман, чиқасанг мен сен билан орани узиб кетаман», дерди. Мен уйдагиларни уйлардим. Куп ўтмай яна онам ишга киришиб, отамга у деб, бу деб аҳволни тушунтирди. Отам бўлса менга: «Қизим, одам бу дунёга бир марта келади, менинг орзу-ҳавасларим бор, улар туй қилолмас, мен узим қилиб бераман», — деди. Хўжайинимнинг онаси ёшлигда улган, отаси Тошкентда оғир касал ётганди. Отасига боришга ҳам пулни мендан оларди. Баъзида унга ачиниш ҳам кетардим. Лекин менга жабр-ситамларни ҳаддан зиёд куп ўтказарди. Охири тўйимиз белгиланди. Унаштирилганимиздан кейин олти ой ўтгач, 1 сентябрда туй бўладиган бўлди. Тўйимизга 15 кун қолганда, у аварияга учради. Оғир аҳволда касалхонага тушиб қолди. Онам иккаламиз жон ҳолатда чопиб бордик. Хирургия бўлимида ётган экан, ҳеч ери синмаган, лекин ҳамма жойи шилиниб-кесилиб кетганди. Тезда врачлар билан гаплашиб, улар яхшилаб текшириб даволай бошлашди. У ҳаттоки сигарет чеколмасди. Мен ҳар кун эрталаб соат 6 да уша ерда булар-

дим. Юзларини ювиб, овқатлантириб, ҳаттоки сигаретларини чектириб қўярдим. Соат 9 да ишга кетардим. Ишга бир куришиб, жавоб сураб яна ёнига борардим. Онам уйдагилардан овқат бериб юборарди. Хуллас, 10 кун касалхонада ётди. Лекин бир инсон орқасидан сўраб келмади. Ёнида ётганлар жуда ҳавас қилишарди. У бўлса, бирон жойи оғриб қолса, мени сўкишдан тўхтамасди. Ниҳоят тўйимиз бўлди, туй бизникида ўтди. Одамларга қўёв йигитнинг бир оғайниси қайтиш бўлибди, шунинг учун шу ерда утаяпти, дейишди. Аслида эса ҳамма сарф-ҳаражатлар ота-онам ҳисобидан бўлди. Кейин мени узатиб олиб кетишди. Орадан уч кун ўтгач бир одам келиб унинг пулини қистай бошлади. Чунки бу уй ўзиники эмас экан. Яна ота-онамнинг олдига келдим, вазиятни тушунтирдим. Ота-онам ундан-бундан қарз-ҳавола қилишиб, унинг пулини беришди. Яна озроқ вақт ўтгач хўжайинимнинг журналари хотинлари билан бизникига келишди. Меҳмонлар яхшигина ўтиришди, ичишди. Хулласи қалом ароклар тугади, кейин хўжайиним менга: «Бор, ароқ топиб кел», деди. Мен: «Кечаси соат 12 бўлса, нотаниш жой бўлса, қаердан топиб келаман», — дедим. «Мен билмайман, қаердан топиб келсанг, шу ердан топиб кел», — деди. Мен индамай кўчага чиқдим. Шунда бир ўртоғи: «Куйинг, янга, ароқни энди ким ичади», — деб мени яна уйга қайтарди. Хўжайиним бўлса: «Хали сен менинг айтганимни қилмай, дусларимнинг айтганини қиласанми?», — деб дўппослай кетди. Меҳмонлар бирин-кетин чиқиб кетишди. Кейин бўлди қиёмат қўйим. «Менга бунақа хотин керакмас», — деб пичоқ ўқтайиб кела бошлади. Мен пичоқни қўлим билан ушлаб қолгандим, у пичоқни тортиб олди, бармоқларим қонаб кетди. Тўйим ўтганига энди ўн кун бўлганда. Янги куйлақларим қип-қизил

қон бўлди. Бутилка билан бошимга бир урганди, мен ҳушимдан кетдим. Эрталаб уйғонсам: «Мен сени улиб қолибдими, деб уйлабман», — деди. Хўжайиним ҳеч қаерда ўқимаган, бир йилгача ҳеч қаерда ишламади ҳам. Тўйимиздан олти ой ўтгандан сўнг катта ўғлим туғилди. Уйимдагилар ўғлим тўйдан олдин бўлганини шундан кейин билишди. Лекин у ҳеч ҳам ўзгармади, ҳар кун ичиб маст ҳолда келарди, бир йил ота-онамнинг ҳисобига яшарди. Тўйимиз ўтгандан кейин унинг куп одамлардан қарздор эканини билдим. Уйимдагиларга айтмасдан кийимларимни, нарсаларимни, мебелларимни сотиб қарздан қутулдик. Бир йилдан кейин ишлаб бошлади. Энди яхши бўлиб кетса керак, деб уйладим. Лекин баттар бўлди. Ҳатто кечаси ҳам келмайдиган одат чиқарди. Бу орада ўғлим туғилди. Уйимиздаги жанжал-ғурбатлар туғрисида ҳеч ким билмасди. Чунки мен у кишини ҳаммага мактардим. Ота-онам мени яхши яшашпти, деб уйлашарди. Ҳатто байрамларда ўзимга-ўзим совға олиб, эрим олиб берди, дердим. У бўлса ғурурланиб ўтирарди. Узим ҳам ишлардим, ҳам ҳомилдорлик пайтимда бир тикувчига шоғирд тушиб тикишини урганиб олгандим. Энди ўзим у-бу нарсга тикиб пул ишлардим. Уйимизда эса жанжал-ғурбат бўлмаган кун йўқ эди. Эрим менинг кўз ўнгимда қизлар билан етаклашиб ўтиб кетарди. Мен қўлимда болам билан қолаверардим. Мен бу одам — эрим, уни ҳурмат қилишим керак, деб уйлардим. Ҳар кун оппоқ қийинтириб ишга жунатардим. Кечкурунми, 1-2 кундан кейинми, кийимларим кир, маст ҳолда кириб келарди. Мен бир оғиз «Қаерда эдингиз?» деб сўрамастим. Чунки, сўрасам, «Ишинг бўлмасин», — дерди. У яхши жойда ишларди. Лекин ичишини қўймастди. Кунлар ўтиб камалди. Суриштирсам, ишида камомад чикибди. Мен ҳайрон қол-

дим. Сабаби, шундай пайлар бўлардики, ҳатто битта нонга ҳам пулимиз бўлмасди. Унда нимага камомад чиққанига ҳайронман. Мен ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Унинг орқасидан бормаган жойим қолмади. Ҳар кун қанчадан-қанча харажат қилардим. Мен уйдаги мебелларимни, тақинчоқларимни, нарсаларимни сотдим. 4 ой судланди, 9 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Эрим қамалганда иккинчи ўғлим 6 ойлик бўлган, мен эса тирикчилигимиз ўтиб турсин деб ишлардим. Қанча харажат қилиб, орқасидан ҳар борганимда унинг ҳар хил аччиқ гаплари ортиқчалик қиларди. Мана, қамалганига 2 йил бўлибдики, ҳали бир оғиз ширин сузини эшитганим йўқ. Нима қилишга ҳам ҳайронман, ҳаммасидан чарчадим. Ҳаётдан тўйиб кетаялману, 2 та ўғлимни уйлайман. 23 ёшга кирибман. Мен ҳам одамман-ку, аёлман-ку, менинг ҳам қанчадан-қанча орзу-ҳавасларим бор эди-ку... Одамзод тугиларди, авваламбор ўзи учун ҳам яшайи керак-ку. Аёл киши фақат эр, фарзанд, рўзгор машаққатлари, гам-қулфатлари учун яралмаган-ку?... Бировларнинг оиласига қараб ҳавасим келади, хурлигим тутиб йўғлайман. Эрим мени ҳеч қанон яхши кўрмаган, деб уйлайман. Чунки бир кун маст ҳолда: «Дусларим билан гаров уйнаб, сени ютиб олганман. Мен шу қизга уйланаман, дегандим», — деди. Эркақларимиз аёллар тақдир ҳақида шунчалик энгли уйлашарканда... Назаримда менинг ҳаётим синиб бўлган. Нима қилсам, турги йул тутган бўламан? Бошим қотиб қолди. Кишида дўст бор, душман бор. Кимга нима дейишингни ҳам билмайсан. Қандай маслаҳат берасиз — бахт ўзи нимада? Мен ҳам бахтли бўлармиканман? Уғилларимнинг дадасига ўхшамаслигини жудаям хоҳлардим...

Сизларга ҳикоя қилиб берганим оилавий ҳаётимнинг юздан бир қисмигина, ҳолос...

НИЛУФАР,
Жиззах вилояти,
Пахтабод шаҳри

БУ НОМНИ КЎТАРИШ ОҒИР ЭКАН...

Кунлардан бир кун ҳаётимда мен учун фожиа юз берди. 15 йиллик турмуш ўртоғимдан бир кунда айрилиб қолдим. Улар арзимаган дард билан вафот этдилар. Вафот этдилар, дейиш мен учун жуда оғир. Мен ўн худди улар узоқ-узоқларга кетиб қолган-у, ҳали замон келиб қоладигандай. Бир хил эри-хотинларни кўриб жуда-жуда ачиниш кетаман. Бир-бирини тушунмай, итмушук бўлиб яшашади. Биз эса жуда ҳам аҳил яшардик. Мен уларни жуда қаттиқ севардим, шундан келишларини соатга тикилиб кутардим. Сояларига кўрпача солардим. Гоҳида ўз бахтимдан ўзим кўриб кетардим. Ишқилиб «кўз тегмасин», деб-

Бизларни ҳамма Тоҳир-Зухралар деб аташарди. Кўз тегади, деганлари рост экан. Ахири, кўз теғди. Уларни маҳаллада ҳам, қариндош-уруғлар ҳам, ҳамма ҳамма яхши кўрарди. Қўлларидан келса, ҳаммага яхшилик қилардилар. Яхши, ҳаммага фойдаси тегадиган лавозимда ишлардилар. Нима ҳам қилардим — бир кам дунё экан. Уй-жойим, болам бор — 4 та. Уларга худодан умр сурайман. «Оила ва жамият» газетасини ҳамма қиз-жувонлар ўқишини жуда истар эдим. Чунки, унда ибратли воқеа-ҳодисалар куп. «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», деганларидек, газетадаги мақолалардан ўзимга таскин тасалли излайман. Ҳаётимдаги энг қийин лаҳзаларим-

да «Қуръон», «Ҳадислар» туплами, «Оила ва жамият» газетасидан дилимга малҳам топаддек бўламан. Бева бўлиб қолиш сира ҳам ҳаётимга келмаган эди. Бу номни кўтариш жуда оғир экан. Худди кўчага чиқсангиз ҳам ҳамма сизга қараётгандай, ҳамманинг раҳми келмаётгандай туюлар экан. Уялласан, дил дардларим шунақа куп. Жуда эзмалик қилиб юбордим шекилли. Худодан юртдошларимнинг ишларига ривож, ўзимга эса сабр-бардош тилайман.

САЙЁРА,
уй бекаси.
Тошкент шаҳри.

СИЗ ҲАМ МЕНИ ҲАММАНГА УЙЛАЙСИЗМИ?

Тонг саҳар уйғонсам кўз ўнгимда сиз,
Бутун вужудимда ҳаёлимда сиз.
Кўз очган илҳомим, орзуларим сиз,
Сиз ҳам мени ўйлайсизми?!

Йўлга термуламан, кутганим ҳам сиз,
Юрак сўроқлайди, соғингани сиз.
Қалбим изтиробда келармикансиз,
Сиз ҳам мени ўйлайсизми?!

Кўрар кўзларимнинг гавҳари бу сиз,
Севгим салтанатин ҳоқони бу сиз.
Умрим карвонининг сарбони ҳам сиз,
Сиз ҳам мени ўйлайсизми?!

Бир бор эсласангиз мурғак юрагим
Булулларни қучар кабутар мисол
Айтинг, ўзи борми сизга керагим,
Сиз ҳам мени ўйлайсизми?!

Муяссар НУРМАТОВА,
Тошкент, Чилонзор.

ШҶҮРЛИК ҚИЗГИНА ҒАМ ЕМА, ҒАМХҶҮР ТОПИЛАДИ

«МЕНДАЙ ҚИЗНИ КИМ КЕЛИН ҚИЛАДИ»? — 3-сон

Эндигина 15 баҳорни кўрган қизгина 3! Сенинг қалб тўла ҳасрату изтиробларингни ўқиб, қалбим тилка-пора бўлди. Ахир, бир инсонга шунчалар надомат тошлари ағдарилса-я: ҳам ота-она ажрашиб ташлаб кетса, боқувчиси саналган бирдан бир бўви-бувалар ҳам ёмон йўлдан юриб, ичкиликбозлик қилишса, пароканда бўлиб ажралиб кетишса... Бу етмагандай унга ёрдам қилини чўзиши лозим бўлган ҳола билан бўви ҳам ичкиликка муккасидан кетиб, қизгинага маломат тошларини ёғдирса, «Сен ҳам онанга ухшаб суюқоёқ бўласан», деган қиш чилласидан ҳам совуқ гапларни айтса...

Шуларга чидаб яшайтган экансан мен сенинг матонатинга тасанно айтдим. Қизгинам 3! «Ойнинг ун беши қоронгу бўлса, ун беши ёруғ», — дейди доно кексаларимиз...

Сенинг саргузаштларинг ёдимга бир воқеани келтирди: Хадра даҳасида мактабда ишлайтган ёшироқ пайтларим. Шунда 5-синфга раҳбар эдим. Хали ҳар бир ўқувчининг ижтимоий чиқишини урганиб улгурмаганман. Бир Ё. исмли ўқувчин мактабга келмай қолди, уртоқларининг айтишича, тарвуз юкланган машинага осилиб, тарвузлардан олмоқчи бўлганда, эгаси қувибди, лекин у жуфтани ростлабди. Дарс тугагач, унинг уйига бордим. Эшик зулфинини қоқдим: «Кираверинг, бу ҳовлида кўр кампир яшайди», — дейишди ҳовли олдида юрган қизалоқлар.

Суриштириб билсам, боланинг отаси камалиб кетган, онаси эса бошқа эрга чиқиб кетгани учун шу кўр кампир—бўви боқаркан.

Айвоннинг четида утирган кам-

пир қизлар билан бўлган гапларимни эшитиб:

— Келинг айланай, яна бирор нарса бўлдим, — деб суради.

— Мен ўқитувчисиман, хавотирланманг, углимининг дарсхоналарини куриб, сиз билан танишиб кетгани келдим, — дедим.

Не суз билан айтايки, бола баландга қурилган ҳужрачада ётиб тураркан.

Орқамдан эргашиб ҳовлига кирган қизлардан челақда сув ва супурги сурадим. Хонани тозалаб, унинг ерда ётган кийим-бошларини сеткага солиб, бир амаллаб пастга тушдим.

Кампирнинг гапига қараганда унинг кичик ўгли Буқада ошпазлик қиларкан. Ҳафтада бир келиб емиш ташлаб кетаркан.

Аҳволни танглигини билгач, кампирга: «Агар рози бўлсангиз, болани узим билан уйимга олиб кетаман, болаларим билан бирга яшайверади, сиздан ҳам хабар олиб турамин», — илтимос қилдим. Кампир унамади. — «Мен ёлғиз қоламан-да», — деди.

Бувини ўгли келганида мен билан учраштиришга кўндирдим.

Эртасига мактабга мендан олдин етиб келган Ё. га кийимларини берсам, хижолат тортиб, «Опа, узим ювардим», — деди.

«Мен ювсам, нима бўлибди, мен ҳам мактабдаги ойингман-ку!» — де-

дим. Бир ҳафта утгач амакиси келиб, тафсилотни эшитиб, болани ишлайтган жойига олиб бориб ҳам ўқиси, ҳам яшати устидан назорат қилишга ваъда берди.

Хуллас, бир йил утар-утмас ҳалиги ўсмир мактабга келди, янги костюм-шимлар кийган, бўйи ҳам бир оз чўзилган.

Салом бериб кучоқлашиб куришди:

— Сизларни соғиниб кетдим, — деди у.

— Ўқишга келгин болам, биз ҳам сени соғиниб қолдик, — дедим мен ҳам.

— Опа, раҳмат Сизга, — деди бола бир менга, бир эгнидаги уни катта йигитча қилиб курсатаётган костюмларига қараб. — Мен буларни узим ишлаб топган пулимдан олдим. Бувимни ҳам боқаялман, — деса буладими.

Дил-дилдан қувониб кетдим.

Олпоқ қизим 3! Дил изҳорингдан куришни турибдики, («Мен уз яқинларимга ўхшаб ҳаёт кечирини сира-сира истамайман», — дегансан-ку!). Сен дили лоқ, ақли қиз экансан. Бувинг ичса ҳам унинг меҳрибонлик қилганидан миннатдор эканлигинг менга ёқди, мактабингни тугатиб, узингни яна олийгоҳларга ёки бирор ишга чорласанг, бахтингни топиб кетасан. Илоё, Оллох

мадад берсин сенга!

Минг афсуслар бўлсинки, шундай замонамизда ажралишлар мавжуд. Энг даҳшатлиси шундаки, эр-хотиннинг низоси фарзандларни 3. дек саргардонлик ботқорига йикитади. Ота санги бўлганида онани нима жин урди. Она овунчоқ фарзанди билан овунса, унинг тарбияси билан шугулланиб, буй-бастини қўриб қувонса, яна бошқа уй қилса ҳам, жигарбандининг ҳолидан огоҳ бўлса, оналар иснодга қолмаган булармиди!!!

Шундай оилани биламан: улар 10 яшар ўгли бўла туриб ажрашиб кетишган. Она бетовфиқ эрига зарда қилиб, ўғилчасини етимхонага топширган. Ота эса тую томоша қилиб ёш қизга қайта уйланиб олган. Ҳеч нарса бўлмагандек ҳаёт уз оқимига оқаверган. Бирор кимса уларнинг мушугини «пишт» демаган. Қани булардаги ота-оналик масъулияти?

Менимча, қонунларимизнинг шу борасига янгилик киритиб, жавобгарликни ҳис қилдириш зарурмикин?

Шу ўринда яна бир масалани эслатишни узимга эп кўрдим: оиладаги шунча кўнглисизликлардан маҳалла фаоллари беҳабармикин ёки қўриб қурмасликка солармикин? Синчков фаоллар бундайлардан огоҳ бўлиб, эзилганларга ғамхўрлик қилиши зарур деб уйлайман.

Афифа ХАСАН қизи,
меҳнат фахрийси.

КЕЙИН ҚАДРИНГИЗГА ЕТАДИ

Бу мақолани ўқиб вужудинг ийглади, қузларимга ёш келди. Қанийди, мен яқинингизда бўлсам — сизга кенгроқ маслаҳатимни берардим. Энди 27 баҳорни куриб, шунчалар ғам-ташвиш бошингизга тушибди. Эртароқ керакли идораларга мурожаат қилиб, эрингизни яхши йўлга қайтарсангиз бўлмасмиди. Маҳалла комитети, оқсоқоллар бу ишлардан хабардорми? Сизни қадрингизга етмаган, болаларини келажакини, ўзини соғлигини уйламаган, гирдоб йўлига кирган — виждонсиз, ношуд, бадбахтни нимасини ҳавас қиласиз. Ундақаларни даволаб бўлмайди. Улар — мараз, яъни соғаймайдиган яра. Ундайларни қўлини кўрпаялтириш. Улар одамлар назаридан қолади, узокқа боролмайди. Оллохни қаҳрига учрайди. Халқимизда шундай мақол бор: «Интилмаганни йўлама, йўлмаганни бўлама». Ҳужжатларингизни эҳтиёт қилинг, қонуний ажрашинг. Болаларингизга нафақа олинг, иложи бўлса агар қишлоқда бўлсангиз томоғка олинг. Сиздақаларга жамоат вакиллари албатта ёрдам беради. Келажакингизни уйланинг. Поёингизга келиб йиқилса, минг марта тавба қилса ҳам, энди унганаман деса ҳам, унга ишонманг. Уч-тўрт йил синанг. Қулидан келса бир уйларинг яшаб қурсин. Кейин сизни қадрингизга етади. Буни ҳаёт дейдилар, шошилмаслик керак. Бу борада етти улчаб бир кесиб керак.

Энди акангизга, янгангизга келсак, улар жаннати инсонлар экан. Муродига етсинлар, хонадонлари обод бўлсин, мартабалари янада

«МЕХРИНГИЗГА, МАСЛАҲАТИНГИЗГА ЗОРМАН» — 5сон

баланд бўлсин. Уларни уйларига доимо хотиржамлик, барокат ато қилсин, сабр-тоқатлари зиёда бўлсин. Ушалар бор экан — албатта уйли-жойли қиладилар. Бу дунёда сиздақа адашганлар озми? Худо хоҳласа келажакингиз яхши бўлиб кетади. Бардошингизга раҳмат. Ойнинг ярми қоронгу бўлса ярми ёруғ бўлади.

Эй ота-оналар! Турмушга чиқарган қизларингиз ҳаётдан огоҳ бўлинглар. Қиз бола ожиз бўлади. Эринчўқлик қилмай, хўл-қуруқман демай, турмушга чиқарган қизларни орқасидан оталари, акалари албатта хабар олиб турсалар, баъзи узини билмаган қуввлар ҳам бу қизни хурлай олмайди. Керак бўлса яхши насиҳатлар қилинлар.

Бизни инсон қилиб яратди, инсонлигимиз қадрига етайлик, узоқлигимизни билайлик. Умр — ганимат неъмат. Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ...

Зокиржон ИБРОҲИМОВ,
Анджон

ЯШАШ ҲАМ ҚУРАШИНГ!

Гулиҳаё опанинг кечмишлари мени ҳам уйга толдириди.

Гулиҳаё опа, сиздан мен 10 ёш кичик бўлсам ҳам сизга қуйидаги маслаҳатимни бермоқчиман: аввало соғлигингизга эътибор беринг. Соғлигингиз нафақат узингизга, балки болаларингизга ҳам керак. Турмуш уртоғингиз ялиниб-ёлворса ҳам сиз энди у даргоҳга борманг. Чунки у сизни бузук аёл деб ҳақоратлаган. Ахир сиз яратган Аллох олдида ҳам, бандалари олдида ҳам пок онасиз, аёلسиз, қолган умрингизни фарзандларингиз тарбиясига бағишланг. Уларнинг яхши-яхши касб-хўнах урганишлари учун ҳаракат қилинг. Худо хоҳласа яхши жойлардан

келин қиларсиз, яхши жойларга қиз узатарсиз.

Турмуш уртоғингиздан қўрмаган хузур-ҳаловатни болаларингиздан курсиз хали. Сизни гудақлигингиздан уз тарбиясига олган акаларингизга, опаларингизга раҳматлар айтиб қоламиз. Бундан кейинги ҳаётингиз ширин ва мазмунли ўтишига тилақдошман.

Фурқат ХУСАНОВ,
Жиззах шаҳридаги индустриал
техникум талабаси.

ҒАРЗАНДЛАРИНГИЗНИ ЎЙЛАНГ...

Гулиҳаё опа, мен ҳали сиздан кичкинаман, лекин дил изҳорингизни ўқиб жуда таъсирландим ва уз фикримни билдиришга ҳазм қилдим. Гулиҳаё опа, сиз 8 йилдан бери қийналиб яшаб келибсиз.

Энди бундан сунг 3 та фарзандингиз тарбияси билан шугулланганингиз маъқул. Сиз шунга эришингиз, фарзандларингиз ҳаётда уз уринларини топшириб бахтли бўлишингиз. «Урганган кўнгил уртанса қўймас», деганларидек эрингизни бу йўлдан қайтиши жуда қийин. Сиз акангизингизга кетиб тўғри қилибсиз. Эрингиз билан турганингизда балки болаларингизга ҳам таъбир қиларди. Гулиҳаё опа, сиз эрингизга керак бўлмасангиз болаларингизга кераксиз. Шунинг учун соғлигингизни асранг. Сиз авваламбор Оллоҳдан сабр-тоқат ва кейинги ҳаётингиз осуда ўтишини тилайман.

Кўп оҳ урма озарсан,
Кўп уйлама тўзарсан.
Сабр қилган Гулиҳаё,
Мақсадингга етарсан.

Муқаддас УМАРОВА,
Тошкентдаги 133-мактаб
ўқитувчиси

АСЛИДА ЭРКАК ОЖИЗ ЭМАСМИ?

Мақтубларни ўқиб

Севишли газетамизда бериб борилаётган ҳар хил туркумдаги мақолалар, мақтубларнинг ҳар бири узнга хос сабоқ, ўғит ва маслаҳатлардан иборат.

«Бошинга не бало келса, бу узингандир», дейишган. Ҳа, баъзида хом сут эмган инсон фарзанди билиб билмай «кўнгли кўчасига» кириб, инсонлик қиёфасини йўқотиб чегарадан чиқиб кетади.

Одатда, қадим-қадимлардан буюн аёлларимизни «ожиза» деб аташган. Йўқ, аслида менинг фикримча, аёл зоти эмас, эркак зоти ожиз бўлар экан. Аёлларимизни камситиб, ёмонламоқчи эмасман. Баъзи бир (Қавс ичидаги...) аёлларни, таъриф беришга ҳам уяласан, шайтонга ухшашади. Ҳолбуки, покиза, лобар, латофатли, оқила, малоҳатли, имо-ҳаёли, садоқатда ягона аёлларимиз ҳам йўқ эмас, жуда кўп... Тубанликка кирган қабиҳ, маънавий қашшоқ, котил, беҳаё, шайтонсифат аёллар ҳам учраб туради.

Жамиятимизнинг фидойилари, оиламиз чирого, бешафқат дунёнинг посбони, қувончу ташвишларимизнинг қалқони бўлган эркак зотини ҳар хил баҳоналар билан аврайдиган, ноҳуя ишга етаклайдиган, беҳаёликка ундайдиган ҳам аёлларимиздир. Эркакларимизнинг ишонувчанлиги, уйдаги аёлнинг тергашларидан безиб, узгани тезда суюб қолишлари эса уларнинг ожизлигидандир.

Малика ИСМОИЛОВА,
Тошкент шаҳри.

ШАЪРИКЛАЙМИЗ!

Меҳрибон онажонимиз
Зойра ХАЙДАТРОВА!

Сизни таваллуд топганингизга 55 йил, журналистикадаги фаолиятингизга 38 йил ва оила курганингизга 30 йил тулгани билан кутлаймиз.

Сизга узоқ умр, тани сихатлик, ижодий баркамоллик, омад тилаймиз.

Қизингиз — Гулшан, кўёвингиз — журабек набираларингиз — Зийеда, Жамшид, Диебра

Азиз ва меҳрибон
умр йўлдошим!



Қадрли ва суюкли дадажонимиз Нишонали РАҲИМОВ!

Б и з Сизни 60 ёшингиз ва ҳаж зиёратингиз билан сямимий кутлаймиз.

Дадажон! Сиз қарийб 40 йилдан бери инсон саломатлиги йулида меҳнат қилиб, обрўэтибор топдингиз. Кўп йиллар раҳбарлик ишларида ишларингиз. Ҳозирда Янгийул тумани «Соғлом авлод учун» жамғармаси раҳбарисиз. Биз Сиз билан фахрланамиз.

Илоийм умрингиз узун, ҳамма ша соғ-омон булинг.

Рафиқангиз — Замира, фарзандларингиз Нигора, Гулнора, Севара, Шухрат

Меҳрибонимиз Азизахон!



Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан табриқлаймиз. Бахтимизга доим соғ-омон ва баҳордек гузал бўлиб юринг.

Умр йўлдошингиз Зойра, фарзандларингиз Ҳабибулло, Исматилло, Хикматилло

Хурматли онажонимиз

Марфон

Хўжамуллодов!

Сизни 22 апрел тугилган кунингиз билан табриқлаймиз.

Неки орзу-умидларингиз бўлса рўёбга чиқишига тилакдош уғилларингиз,

Акбарали ва Аббос, Олтинсой тумани

Азизим Аюля
Минтиазиевна Раҳимова!



Сени табаррук 50 ёшинг билан муборакбод этаман. Аллоҳдан сенга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Умр йўлдошинг Дилшод

СОТИЛАДИ:

Юнусовод тумани, «Тўзтор» маҳалласида 6-сотих, 6 хонали ховли. Ҳамма қулайликларга эга.

Тел: 23-23-43.

СОТИЛАДИ:

Уч хона, олди ёчиқ айвони, 4 сотих ери бор планли уй. Манзили: А.Икромов тумани, Ю.Саққокий кўчаси.

Тел: 47-85-62.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ

ҲАММА» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорларнинг 1998 йил 17 декабр умумий йиғилиши қарорига мувофиқ «МТУ» ОАЖ маълум қилади:

— Жамиятнинг барча оддий ва имтиёзли, эгасининг номи ёзилган акциялари бекор қилиниб, оддий эгасининг номи ёзилган сертификатларга алмаштирилади.

Жамият барча акциядорлари ўз акциядорлини 1999 йил 22 апрелгача «МТУ» мутахассислар бўлимига топширишлари лозим.

КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ.

АРМОН

Туш таъбирномаси

1998 йил куз ойлари эди. Яққаб ўлғиз ўғлимни Тошкент шаҳрининг юрак хирургияси клиникасига даволатиш учун олиб бордим. Уғлим тугма юрак пороғи касаллиги билан оғриди. Борган кунимиз клиникага жойлаш олайи акам яшаб турган ётоқхонада ётиб қолдик. Уша кечаси туш қурибман. Тушимда отам ва учта бегона аёл майдончида турганмиш. Отам ёруғ дунени тарк этганига 19 йил бўлган. Охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин. Аёллар оқ кўйлак ва оқ румол ураган, отам эса байрамлардагидек ясаниб олган. Қора костюм-шим, оқ кўйлак ва галстук тақиб олган эканлар. Мен уларни узокдан қуриб севишиб кетдим ва отам билан саломлашмоққа шошилдим. Ёнида турган ҳамқасбим эса, она, уларни олдига борманг, менга ёқмайди, улар деса ҳам мен отамни қуриб туриб саломлашмасдан кета олмаслигимни айтиб, улар билан кул бериб қуришдим. Шу орада клиникага ўғлимни жойлаштирдим ва ўн беш кун муолажадан кейин ўғлим шу клиникада вафот этди. Агар тушимда отам билан қуришганимда ва уларни олдига борманганимда ўғлим тирик қолармиди? (Кейинчилик билсам отамни ёнидаги аёллар ҳам ҳамқишлоқларимни руҳлари экан). Отам эса менга бир умрлик армон бағишладилар. Уғлимни биз Тошкентдан олиб келиб отамни ёнига қуйдик.

З.Х. Қарши шахри.

Суюкли набираларим Ҳўзалхон Ваҳובהва, Бекзодбек Мўминбеков (Шўхаббек ўғли), Дилобархон Бойматова (Содинжон қизи)!

Сизларни таваллуд кунингиз билан чин дилдан табриқлайман. Оллоҳдан барчангизга соғлиқ, омонлик тилаб қоламан.

Севарахон Аҳмадбек қизи

Тошкент. Сағбон кўчаси

«ДИЛОРОН» ЎҚУВ МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- 2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
1. Зардўзлик — Бухореча.
 2. Аёллар ва эркаклар устки кийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.
 3. Машинада, кўлда гул тикиш.
 4. Компьютер билимлари.
 5. Бухгалтерия ҳисоби.
 6. Аёллар энгил кийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.

- 3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
1. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
 2. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.

МАНЗИЛ: Муртазоев кўчаси, 40-уй, 3-қават, 63-хона.

Мўлжал: «Қозоғистон» кинотеатри.

Тел: 35-13-41, 58-48-50.

ЎЗЛИГИНИ КАШФ ҚИЛГАН ҚИЗ

Комила опа асли сирдарёлик. 28 ёшда. Асли касби муаллима. Асли деган иборани ёзишдан мақсад бошқа хунарларни ҳам эгаллашга улгурган. Ҳозирда у бир идорада иш юритувчи.

Четдан қараганда Комила опа ҳам бошқа қизлар катори, қадди-қомати келишган, истарали. Унинг бошқалардан фарқи иродалилиги, матонатлилигида. Баъзи аёллар икки қўлда эллайдиган ишларни у бир қўлда бажаради. Ана қурдингизим, гап қаёнда.

— Комила опа, тикиш-бичиш, турли ширинликларни пишириш ҳар бир аёл қўлидан келиши керак. Лекин баъзи аёллар хатто қундалик уй юмушларида ҳам ношуд эканликлари сир эмас.

— Биласизми, агар қўлим доимо ҳаракатда бўлса мен узимни яхши ҳис қиламан. Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини бекор ўтказмаётганим мени руҳан тушқунликдан, бекорчи хавллардан қалғатиди. Онам вафот этгач барча уй юмушлари меннинг зиммамга тушди.

Комила опанинг тиккан қўйлақлари, қурпа-ёстиқ жилдларини, болаларга туққан чиройли нимча, пайпоқ, иштончаларни, катталарбор жемпир-юбкаларни, қўйлақлари курганимда, буларнинг бари унинг иши эканлигига рост ишонмагандим. Ахир буларнинг бари икки қўл билан

бажариладиган меҳнат. Масалан, кийим тикадиган бўлсангиз бичиш пайтида бир қўл билан ушлаб, иккинчисидан қиришингиз керак. Бирон нарса тўқийдиган бўлсангиз тўқиш симларини икки қўл билан баравар ҳаракатлантиришингиз керак...

Оддий кунларнинг бирида Комила опа мени уйига меҳмонга таклиф қилди. Ҳаммаёқ саранжом-сарифта. Йулақларга тушалган қалин илдан туқилган шолча-ю, хонтахта атрофидаги қурпачаларда ҳам Комила опанинг қўл изларини қургандек бўлдим.

— Галнинг очиги битта пайпоқ тўқишга сабри чидамайдингилар бор. Бутун бир йўлакни эгаллаб турган мана бу шолчани тўқишга қандай сабрингиз етди-а? дейман хайратимни аширолмай.

— Сизни билмадим-у бирон-бир иш билан шугулланмайдиган, қизикмайдиган одамларни қурганимда хайфим келади. Мана шу юмушларсиз меннинг утаётган умрим нақадар бефайз кечарди. Булар ниҳоятда меҳнати кўп, майда ишлар. Уларни тикиб бўлиб тушагач, қийналганларим эсимдан чиқиб кетади.

Биласизми, ҳозирги пайтда биз аёллар биров тежамкор бўлмасак қийналиб қоламиз. Эскирган қурпачалар устини янгилашга газлама олай десангиз фалон пул. Ҳали охори тўқилмаган лексин урдан қолган қўйлақларимиздан

Сирли суҳбат

ҳар хил шакллар қирқиб, кейин бир-бирига улаб тикканман. Нимагаки эришган бўлсам шу бир қўлимда қилган меҳнатим орқали эршим. Қуриб турганингиздек уйим бор. Тикув машинаси, уй жиҳозлари сотиб олдим. Энди мебелга пул йиғяпман.

— Орзуларингиз ҳам кўпдир-а?

— Аёл киши аввало оиладан бахти тинган бўлсин. Мен ҳам оилали, бола-чакали бўлсам дейман. Инсон ниманидир йўқотиш эвазига яна нимадир топади. Чунки ҳаётнинг қийинчиликлари менга жуда ҳам кўп сабоқларни ургатди. Мен учун ҳаёт энди бошлангандек гўе.

— Анчагина талабчан, қаттиққўлсиз. Табиатингиз ҳам нозикроқ. Сизнингча турмуш ўртоғингиз қандай бўлгани яхши?

— Меҳрибон, шу билан бирга қаттиққўл, топармон-тармон. Энг асосийси лафзи бут, ориятли бўлсин. Эркак эркакдек бўлсин. Эркак аёлга эмас, аёл эркакка суяниб яшасин. Аёлдан аёлликни талаб қила олсин.

Комила опа билан узоқ суҳбатлашдик. Ўзлигини узи кашф этиб яшаётган бу гузал қизнинг ҳам бахтли бўлишини тилаб хайрлашдим. Ва бу суҳбатимиз бор бўйича ушбу мақолага айланди.

Барно СУЛТОНОВА

Ибн Сино сабоқлари

ЯЛПИЗ

Агар ялпизни арпа уни билан қўшиб пешонага боғлаб қўйилса, бош оғрининг олди олинади.

Ялпиз билан дағалланиб қолган тил яхшилаб ишқаланса, тилдаги дағаллик кетади.

Ялпиз шираси асал суви билан аралаштириб қулоққа томизилса, унинг оғрини қолади.

Овқатга солинган ялпиз сариқ касали учун қони фойда.

Ялпиз организмдаги гижжаларни улдиради.

Ялпиз, айниқса, унинг уруги қутурган ит тишлаганида ишлатилса фойда қилади.

САИДУРОД САИДАҲМАД тайёрлади.

ҲАСАНОВ АБДУРАҲМОН АСКАРОВИЧНИНГ ХУСУСИЙ ЛОР КЛИНИКАСИ

қуйидаги касаллик билан оғриган беморларни қабул қилади:

1. Ўткир ва сурункали тонзиллитлар.
2. Ўткир ва сурункали отитлар.
3. Ўткир ва сурункали гайморитлар ва бошқа синуситлар.
4. Сабабсиз йўтал, аденонидлар.
5. Эшитишнинг заифлиги ва қулоқдаги шовқинлар.
5. Томоқда ёт жисмни сезиш ва бошқалар.

Мурожаат учун телефон: 76-86-85. Манзилгоҳимиз: Чилонзор, Қатортол кўчаси, 17 мавзе, 32-уй. (Яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 17дан 21гача).

ҚАДДИНГНИ ТИК ТУТ АЁЛ



Бундан бир ярим йил илгари БМТнинг тараққиёт дастури асосида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган «Гендер ва ривожланиш» бюроси аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бизнинг суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раис уринбосари, «Гендер ва ривожланиш» бюроси директори Дилобар Қобулова.

— Дилобар опа, агар адашмасам «гендер» сўзи «аёл ва эркакнинг жамиятдаги тенглигига эришиш» маъносини аниқлаётган экан. Биро номидан келиб чиққан ҳолда табиий савол туғилади. Ҳўш, унинг ривожланиши шартми? Улар ўртасидаги муносабатлар қандай бўлса шундайлигича қолгани маъкул эмасми?

— Биз иқтисодий ҳаётдан тараққий этган мустақил давлат қурмоқдамиз. Жинсимиздан қатъий назар ҳар биримиз унинг раванқиғи ўз хиссамизни қўшмоқдамиз. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи чекланган давлатни тула маданий ривожланган деб айта олмаيمиз. Бу ўринда мен аёлларни назарда тутаяпман.

Агар биз аёл табиатан оҳижа, у эркакнинг қарамоғида яшаши керак, деб уни ақлий қобилияти, куч-қуввати, имконияти-ю, лаёқатидан қатъий назар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан четлатиб, фақат уй ишлари билан овора бўлишга ундасак, уларга нисбатан тўғри ёндошган бўламизми? Аёл фақат «уй учун яратилган» деган фикрни илгари су-

рувчиларни эҳтимол бундан юз йиллар олдин тўғри тушуниш мумкин бўлгандир. Аммо бу фикрнинг мутлақо асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи минг қарра исботлаганига қарамасдан, ҳозирги даврда ҳам аёлга паст назар билан қарайдиган, кенракли пайтда уни «рузгорга қайтариш» масаласини илгари сурадиган замондошларимизни ҳам истаганча топиш мумкин. Тўғри, аёл — она, унинг биринчи қалғайи вази фақи фарзандлари тарбиясидир. Лекин бир умр уйда утирган аёл билан ҳамнафас меҳнат қилаётган айтйлик, шоира аёлнинг фарзандлари тарбиясига муносабати, даражаси бир хил эмас, албатта. Демак, фарзандлар тарбиясида онанинг уйда утирган ёки ишлагани эмас, балки маънавий дунёси муҳим урин тутайди.

Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони шундаки, аёлнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишидан давлат ҳам, жамият ҳам ҳар томонлама фойда куради. Ҳозирги пайтда ҳалқ ҳужалиғида меҳнат қилаётганларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этади. Майли, аёлларимиз ўз истеъодларини намойиш этсинлар, юксак мартабаларга эришинлар, пул топсинлар — бунинг нимаси гайритабиий.

— Республикамызда 12 миллионга яқин аёлларимиз бор. Улар орасида қасб-корли, олий маълумотлилари ҳам кўп. Шунга қарамасдан асосий қонун чикарувчи орган — Парламентда уларнинг сони нийоятда камчиликни ташкил этади. Аёлларни юқори ташкилотларга жалб этиш учун кўпроқ нималар қилиш



керак деб ўйлайсиз?

— Тўғриси айтиш керак, илгари аёлларимизнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишга имкониятлари йўқ эди. Бундан эса эркаклар кенг фойдаланардилар. Ваҳоланки юридик ҳижатдан ҳаммаси яхши — аёл эркак билан баробар ишлаш, илм эгаллаш, юқори давлат лавозимларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эди. Аммо у маданий қоқоқлик, камситилиш натижаси улароқ жамият ижтимоий-сиёсий фаолиятига етарли жалб этилмаганди. Фақатгина мустақиллигимиздан кейингина аёллар учун реал имкониятлар юзага келди. Бунга Президентимизнинг «Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1995) фармони далил бўла олади. 1994 йилда Олий Мажлис депутатлигига 16 нафар депутат сайланган бўлса мазкур фармон тулафайли улар сони 1998 йилда 21 тага етди. Аёлларимиз юқори лавозимларда ишладан олдин бошқарув санъатини эгаллашлари керак. Улар фақат олий маълумотли, олий тоифали қасб эгаси бўлмай, балки

бозор қонунларини мукамал билишлари зарур. Айнан мана шу ҳолатда «Гендер ва ривожланиш» бюроси ёрдамга келади. Бизнинг асл мақсадимиз ҳам аёлнинг жамиятда ўз ўрнини тўғри белгилаб олишида кўмаклашиш, унинг ҳуқуқий савиясини оширишдан иборатдир. Бюромиз томонидан ташкил этилаётган тренинг ва семинарлар сиёсат, таълим, саломатлик мавзуларида бўлиб, аёлларимизда ўз-ўзини аниқлаш ва ишонч ҳолатини намойиш қилади. Утган йилнинг декабр ойида утказилган «Хотин-қизларнинг вакилий ҳоқимиятида иштирок этиши халқаро тажрибаси» туркум семинарлари бунга мисол бўла олади. Бу семинарлар 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилганидан сунг дарҳол Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва Буюк Британиянинг республикамыздаги элчихонаси хомийлигида ташкил этилди.

«Гендер ва ривожланиш» бюроси яна қандай мақсадларни ўз олдига қўйган?

— Республикамызда хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммоси долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки иш излаб бандлик хизматига мурожаат қилаётган хотин-қизлар сони меҳнат бозоридан ортиб бормоқда.

Шундай савол бериб қурайлик. Қонунда курсатилиб қўйилганига қарамасдан кимнинг ҳақ-ҳуқуқи кўпроқ бузилади? Муҳтожлик сезиб, иш излаб юрган ҳомиладор аёлни ҳеч қайси раҳбар ишга олмаслиги аниқ.

Ташкилотлардаги ишсизлар сони ҳам кўпроқ аёлларга тўғри келмоқда. Шунинг учун биз махсус курслар очиб, хотин-қизларни замон талабига мос янги мутахас-

сисликларга бўлиб ўқишни бошладик (бепул равишда). Меҳнат вазилиги ва меҳнат биржалари кумағида вилоятларда қасб ярмаркалари очдик. Қарши ва Навоий вилоятлари қишлоқларида аёллар гилам туқиш, юнғ буяш ишларига жалб этилдилар.

Ҳозирда бюро аёл ва эркакнинг жамиятда тутган ўрнининг тенглигига эришиш, яъни гендер муаммолари бўйича илмий текшириш ишларини олиб бормоқда. Бу тадқиқотлар натижасида аёлларнинг бозор иқтисодиёти шароитларига мослашуви камчиликлар билан кечайгани маълум бўлди. Аёлларнинг қасб мақоми пасайиб кетмоқда. Ишда оилавий жиҳатларни ҳисобга олувчи шарт-шароитлар йўқлиги сабабли борган сари ишлайдиган аёллар сони камайиши кузатилаёпти. Қўлаб мактабгача тарбия муассасалари тугатилиб кетмоқда. Жойларда мавжуд бўлган боғчаларнинг ярмидан кўпи аллақачон ёпиб қўйилган. Булар эса аёлларнинг ўз салоҳиятларини тўлиқ намойиш этишларига имкон бермаёпти. Оналарнинг соғлигини яхшилаш мақсадида барча тиббий ёрдам турларини тақомиллаштиришга эришиш, турли ёшдаги хотин-қизлар соғлигини ўзи хос томонларини ҳисобга олиб дастлабки тиббий санатория тизimini ишлаб чиқиб ривожлантиришимиз зарур.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Нафиса АННАЕВА

Эрка бола ўзига тўқ оилада туғилиб усди. Асли исми Эгамберди бўлиб, ёлғиз фарзандлиги учун уни ҳамма Эрка бола деб қақирар эди. Отаси Раҳимберди ака таниқли магазини мудир, онаси эса болалар боғчасида ишлар эди. Эрка болани ҳамма томондан омади чоған, чўнтағи тула ҳамма пул буларди. Шунинг учун бўлса керак атрофида уртоқлари кўп эди.

Унинг синфда у қўшни қишлоқлик бир қизга кўнғил қўйди. Қиз ҳам ҳамма ҳавас қиладиган, ўқишда ҳам аълочи эди. Фақат уни оиласида фарзанд кўп, отаси эса қолхозда ишлар, маошини маошгача зўрга етказар эди. Қиз йигитимизни, йигит эса қизни ёқтириб қолди.

Аваллига фақат мактабда, бир-бир бўлиб синф хонасида бўладиган суҳбатлар, энди кечқурунлари Гузалларни боғида бўладиган учрашувларга айланди. Мактаб давлари ортда қолиб, мустақил ҳаёт бошланди. Кимдир ишга кирди, кимлардир ўқишга, шаҳарга отланди. Бизнинг Лайли, Мажнунларни ҳам омади чоғиб талаба бўлишди. Гузал ҳамшираликка, Эрка бола эса педагогика билим юртига ўқишга киришди.

АЛДАНГАН КЎНГИЛ



Эрка бола Гузални кийим бошидан тортиб, озиқ-овқатигача ўзи олиб берарди. Чунки отаси унга сураган пулини берар, ўғлидан ҳеч нарасини аямас эди. Октябрь ойининг бошларида Эрка болани бошига оғир мусибат тушди... Отаси Раҳимберди ака автомобил халокатига учраб тўсатдан вафот этди. Эрка бола отасига овора бўлиб уч хафта дарсга ҳам, Гузални олдига ҳам кела олмади... Гузал эса йигитни пулларига ўрганиб қолган. Унинг мусибатига шерик бўлиб бори-га қаноат қилиш ўрнига дугоналари билан олдингидай кун утказиб яшайди. Пули тугаб қолганида эса «йигитим келиб беради», — дея танишларидан қарзга пул олар эди.

Ҳаётда ҳар кимни ризиқи, файзибарақаси ўзи билан экан. Раҳимберди ака ҳаётлиғида ҳеч нарсага зорикмай яшаган Эрка бола, отасидан айрилиб йўқчилик нималигини сезди. Пул деган бало танқислаша бошлади. Нима қилиш керак? Мана

шу савол уни ўйловга кўмди. Дада-сига қаттиқ қуйган онаси уйда қасал ётибди, уни қўшниларга ташлаб қелган. Шаҳарда эса аҳвол бу. Она-сига қарамаса бўлмайди, у жигари ахир. Гузални жонидан ортиқ яхши куради. Нима тўғрисида уйласа охири пулга тақалиб келар эди. Мусибат ва етишмовчилик уни шундай аҳволга солдики, уни қурганлар танивмай қолган эди. Энди аввалги Эрка боладан асар ҳам қолмаганди. Йигит сал вақт ичида узгарди. Гузал ҳам бошқача бўлиб қолди. Йигитини пули бўлгандагина уни олдида эрқаланиб ўзини бошқача тутар, пули бўлмаганида эса мутлақо уйламас эди.

Ўқишлар тугаб иккиси ҳам қишлоққа қайтишди. Қиз туман марказида қасалхонага, йигит эса жамма ҳўжалиғига ишга киришди. Эгамберди ўқишни Гузалга алмаганини эшитган биродарлари уни ўртага олиб анча қойишди, лекин у ўзича ҳақ эди. Бир йилдан кўпроқ

ишлади, ишлаганда ҳам озмунча тер тўкмади. Уни меҳнатини қўрган ҳамқишлоқлари бўзбола, деб атай бошлашди. Онаси тишининг қовағида асраб юрганларини йиғиб Гузалга совчи қўйди.

Тўй куни Эгамберди ўзида йўқ хурсанд, бахтиёрлигидан боши осмонга етган, тинимсиз илжарар эди. Шундоқ кунда хурсанд бўлмай бўладими?! Лекин, бу хурсандчилиги ўзоққа қўзилмади. Эртаси куни ажралишди. Одамнинг оласи ичида бўлар экан. Гузал унинг ишончини оқлай олмади, номуссиз чиқибди. Отасиникига кетди. Ҳозир ҳеч нима қурмагандек, ишига қатнаб юрибди. Йигит эса аччиқ қисматига лаянат айтиб уйнинг бурчагига қамалиб олди. Энди у одамларга қуринмас, дардини фақат ичкиликка айтди. Уни камдан-кам одам кучада учратар, улар ҳам маст ҳолда қуришарди. Энди уни ҳамма «маст бола» деб атайдиган бўлди.

Ризамат ХАЛИЛОВ

БУ ҲАҚДА ҲИЛАБ КҮРАЙЛИК

ФИКР

Мабодо, кимнидир уятсиз сўз билан сўксангиз, у ҳам сизни бежавоб қуймайди. Хатто, узини «зурлардан-зурроқман», деб юрган эркак бўлса, мушт тушириб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Тўғрими?

Яна ўзбекчиликда кўп ахлоққа доир хатти-ҳаракатлар борки, беодоб кишилар ҳамиша ёдда сақлайдилар. Жумладан, бировнинг олдида керишиш, оғзини катта очиб эснаш, бақариб гапириш, аврат жойларни қашлаш. Айтишга бироз ноқулайку, лекин айтмоқлик жоиз булган яна бир гапни ёзишдан олдин минг бора уэр сўрайман. Борди-ю, бир йигит иккинчисига авратини курсатиб, пеша қилса, иккинчисининг тепа сочи тикка бўлиши ва қаттиқ газабланиши табиий. Энди бу ўзбекчиликда иккинчи йигитга нисбатан ҳурматсизлиқина эмас, ҳақорат бўлиб туюлади. Аслида ҳам шундай бўлиши тўғри.

Афсуски, айрим миллатдошларимиз баъзи ҳолларда билибми билмай, уз ориятларини бой бериб, ўзларининг ҳақоратланаётганликларини сезмай қолмоқда. Қандоқ дейсизми?

Турли ўтиришлар, гап-гаштакларда тупланган улфатлар «видео» томоша қилишади. Отиш, улдиришдан иборат киноларни томоша қилишаркан, шунча отганга, қалтакка улмаган «қахрамон»ларга расо одам истеҳзо билан, айримлар эса ҳайрат билан қарайди. Шундай кассалардан ташқари эса ҳеч йўқ битта портнофильм ҳам бўлади ва унда... Инсон қиёфасига кирган аллақандай махлуқлар шундай расволиклар қилишадик, бундай ишларни ҳатто ҳайвон ҳам қилмайди. Энг ажабланарлиси эса, уз дўсти оёқлари орасини қашиганда уринли танбех берганлар энди қайси ювиқсиз валади зино-эркак ва аёлларнинг яланғоч ҳолда қилаётган ифлосликларига киприк қўймай қараб туришади. Улфатлар ичидан биронтаси

бу фильмни кўрмасликка қақирса ҳам унга истеҳзо билан қарашади, яна кўзларини экранга қадашади. Кошки эди, улар бу нарса ҳақорат эканини сезсалар.

Ҳозирги кунга келиб бозор талабини, режани бажаришни баҳона қилиб баъзи кинохоналар чет элнинг беҳаё фильмларини тинимсиз намойиш қилишади. «Ун олти ёшга тулмаган ёшлар кинохонага киритилмайди», деган ёзувнинг ўзиёқ фильмга кўпчиликнинг қизиқишини ортиради. Баъзан эса бу ёзувлар шунчаки одам қақириси айни ўн олтига тулмаганлар эканлиги кузатилган одамга аён бўлади.

Аммо, нима булганда ҳам бизлар миллатимизнинг эртанги куни ҳақида қайгурмай илоҳимиз йўқ. Ҳолбуки, кино ва театр кишиларга маънавий озуқа бериши, тарбияга хизмат қилиши керак.

Нима учун тарбияга хизмат қилмайдиган, аксинча, фикру-хаёлни

бузадиган олди-қочди фильмларга кинохоналаримиз, телевиденимиз экранларидан урин беришимиз керак?

Маили, илғор прогрессив эзулик, инсонийлики тарғиб этувчи чет эл фильмлари қуйилсин. Лекин, улар билан бир қаторда ўзбек миллий кинолари ҳам намойиш этилсин.

Улкан мақсад ва улкан ишлар эса маънавияти бутун, юксак маданиятли, маърифатли кишилар томонидан бунёд топади.

Мен юртдошларимни эътиқодий ённатларини собитлик билан пок сақлашларини, хорижнинг миллий қадриятларимиз, табиатимизга, ахлоқ-одобимизга зид фильмларни томоша қилишдан воз кечишларини, «ҳақоратлашиш»дан сақланишларини маслаҳат берадим.

Бу ҳақда Сиз нима дейсиз, азиз юртдош!

Нозим РАСУЛ,

Андижондаги «Холис» ижтимоий оммабўл ҳафталик газетаси бўлим муддир

(Боши ўтган сонларда)

Наргиза ҳам хўсуда тенги йўқ қизлардан бўлиб Тошкентнинг Янгийул шаҳридан эди. Отаси ёшлигида вафот этган, икки синглиси билан онаси бева қолгач бошқа турмуш қилмай уларни вояга етказган.

Эртаси куни ўқишдан қайтаётганимда Наргиза қақириб қолди. — Ҳа, нима дейсан?

— Эртага кинога борасанми? Яхши ҳинд киноси келибди, ҳамма мактаятли, эртага барибир дам олиш куни-ку?

— Маили.

— Уканг билан келасанми?

Наргизанинг юзларига қарарканман уни нима учун кино баҳонасини уйлаб топганини тушуниб етдим.

Уни вақти йўқ бўлса керак, нима қиласан узимиз бораверамиз, дедим атай синов назари билан қарарканман. Наргизанинг кайфияти йўқолгандек бўлди.

— Мен уйловдим уканг билан борсанг...

— Ҳазиллашдим, сен кинога боравергин, мен Шўхратни албатта олиб бораман.

— Уканг билан таништирасанми?

Ичимдан нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Шўхратимни йўқотдим,

САДАҚА ҚИЛИНГАН СЕВТИ

«Кунларнинг бирида...»

деб уйладим узимга узим. Ҳа, маили тақдир экан. Бу кўнгил айрилиги барибир бир кун эмас бир кун содир бўлиши аниқ эди. Шўхратим менга кўнгил қуймади-ку, энди ҳеч бўлмаса уни бахтли булганини кўрай.

— Агар хоҳласанг таништираман.

— Юрадиган қизи йўқми?

— Мен уни қизлар билан юргани куймайман.

— Нега? — ҳайрон бўлиб қаради Наргиза.

— У қизлар билан юргани эмас ўқигани келган, ёки сен ҳам у билан танишгач юрмоқчимсан?

— Йўғ-э, узим шундай, сўрадим куйдим-да.

Дам олиш куни Шўхратни кинога таклиф қилиб уни Наргиза билан таништириб қуйдим.

Улар менинг кўзим олдида узаро тил топишгандек бўлишди. Бу мен учун қанчалар оғир кечганлигини, қалбим қанчалар айрилиқ дари ила фарёд чекканини биласизми? Йўқ, буни фақат севиб яна ўз ихтиёри билан севгисидан айрилганлар билади, бу азобни тавсифлаб бериш жуда қийин.

Шу тариқа кунлар ўта бошлади. Шўхрат мен ҳақда этган пулга Янгийулдан ҳов-

ли-жой, машина, мебеллар, хуллас инсон ва оила учун нимаики зарур бўлса ҳаммасини сотиб олди. Шўхрат кўзидан бирор нарса менинг маслаҳатимсиз, менинг йўл-йўриқларимсиз олгани йўқ. Булажак келинча деб иккита сандиқ тула кийимлар сотиб олди. Шўхрат кейин англаб етдимки узим билмаган ҳолда Шўхратга чин опалик ёрдамини бераётган эканман. Шўхрат Наргизага қаттиқ боғланиб қолганини айтиши ва Наргизанинг «уқангизни Тошкентда олиб қоламиз», — деб қилган ҳазили мени баттар қон йиғлатди. Айниқса, биз Янгийул шаҳридан ҳовли олганимизни эшитган Наргизанинг хурсандлиги чексиз эди.

— Нигора, мен сизга бир сирни айтмоқчиман, — деб қолди Шўхрат.

— Сиз мен билан таништирган қизни яхши кўриб қолдим. Унинг уйига узингиз совчи бўлиб борасиз?

— Мен? Йўқ, йўқ, мен боролмайман, уяламан.

— Унда кимни юборамиз?

— Юраверингчи уйлаб кураимиз.

Бир ойлар утиб Наргиза ҳам менга ўз «дарди»ни ёриб қолди. «Биламан»де-

дим унга кулимсираб қарарканман. У бизни туғишган опа-ука эмаслигимизни билибди шекилли ҳайрат билан сўради:

— Мен ҳали чиндан ҳам узингни уқангми деб юрибман, сизлар бир-бирларингизга бегонамисизлар?

— Ким айтди, сенга?

— Эшитдим-да.

— Ҳа, биз тамоман бошқа-бошқа ота-онанинг болаларимиз. Шўхрат билан Тошкентда танишиб опа-ука тутинганмиз, у «болалар уйи»да катта булган.

— Нигор, мен сени Шўхратга қилаётган ёрдамларингни уни узидан эшитиб сенга қойил қолдим. Ҳозирги кийинчилик пайтида гоҳида туғишган ака-укалар, опа-укалар бир-бирига моддий ёрдам бериш тугул, меҳр-оқибатли бўла олишмайди. Сен эса бегона йигитга шунчалар ёрдамнинг аямай меҳрибонлик қилишини улкан олийжаноблик, биласанми?

— Эҳ, Наргиз қалбимдаги ишқ азобларидан беҳабарсан-да, мен унга меҳрибонлик ҳиссиёти билан эмас, муҳаббат туйғусининг даввати ила ёрдам қилаяпман. Унга булган пок севгимнинг илтижолари Шўхратни аро йўлда қолдирмаслиқни ёлвориб сўради. Унинг бахтли

бўлиши менинг ҳам бахтим деб ҳисоблардим.

— Нигор, мен сени энг яқин сирдош дугонан, кўрсодим деб билганим учун сенга бир сирни айтмоқчиман.

«Айтчи!» дегандек юзига қардим.

— Мен Шўхратни севаман. Лекин бир нарса мени ҳамон ҳайрон қолдираяпти. Ҳали шу пайтгача Шўхрат сени бегоналигини билдирмади, сен ҳам. Биламан, сен ҳам уни севасан, шундайми? Фақат йўқ дема, буни кўзларинг айтиб турибди.

Мен билмаган эканман, кўзларимдан оқайтган ёш аллақачон юзларимни хул қилиб улгурган экан.

— Ҳа, Наргиз. Мен уни жонимдан ортқ севаман, лекин у... нима қилай мени севмайди. Мени опа ўрнида кўра бошлаган. Бунга мени узим айбдор, илк бор танишганимизда бу таклифга кунганман. Қайдан билай, кейинроқ бу ҳис-туйғулар севига айланар деб уйлагандим, у мендан-да кучлироқ чиқди, уз ўзига содиқ қолиб бошқача муносабатда бўлмади.

Дилшод ҚҮЛДОШЕВ

(Давоми бор)

Ойла ва жоният

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълолар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темуր кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турун кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти -20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0291
33573 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи Н. ЙҮЛДОШЕВА.